O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ _____

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 4 июнь ЧОРШАНБА

№ 43 (12.054)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ЭГАЛИК ЕРНИНГ ЙЎРИҒИ ЎЗГАЧА

Юқоричирчиқ – вилоятимизнинг энг шимолий тумани. Шу боис экин-тикин, ҳосил ўрим-йиғими дегандек, зироатчилик ишлари мавсуми бошқа туманлардан 15-20 кун фарқ қилади. Бундай шароитда ишлаётган фермерлар учун у ёки бу соҳа бўйича шартнома режаларини ортиғи билан ва айниқса, муддатидан илгари бажариб, довруқ таратиш анча қийин масала.

– Биз шунчаки, довруқ таратиш учун эмас, бойлик яратиш учун меҳнат қиляпмиз, – деди тажрибали фермер Ихтиёр Манасов ва фикрини исботлашга киришди. Бизга эса, унинг сўзларини қоғозга туширишдан бошқа иш қолмади.

– Биламан, беш қўл баравар бўлмаганидек, фермерларнинг ўй-мақсадлари ҳам бирдек эмас. Аммо, мен фермер қандай одам бўлиши кераклигини фермерлик ҳаракати эндигина бошланган кезлардаёқ тушуниб етган эдим. Сабаби, собиқ "Дўстлик" ширкат хўжалигида оддий дала ишчиси, бригада бошлиғи, даҳа мудири лавозимларида ишлаб кўрганман. Қолаверса, отам Баҳодирхўжанинг (у кишининг охиратлари обод бўлсин) бутун умрлари далада ўтган. Отамга эргашиб, далама-дала юрган пайтларимда ёш бола эдим. Табиийки, ҳаёт йўлим далаларга боғланиб, ота касбим – деҳқончиликка чинакам меҳр қўйганман.

Ўрни келганда яна бир гапни алоҳида таъкидлашни истайман. Отамнинг барча насиҳатлари фақат меҳнат ҳақида бўларди. "Меҳнат, бу – тарбия, соғлиқ, бойлик манбаи. Фаровон турмуш ҳам, узоқ умр ҳам, ҳурмат ва обрў ҳам ҳалол меҳнатдан. Меҳнатдан қочманглар, фақат сидқидилдан ишланглар. Барака – ҳалолликда" дердилар. Мана энди ўнлаб, юзлаб фермерлар қаторида бизнинг "Баҳодиров Жавоҳирхўжа" фермер хўжалигимиз ҳам озми-кўпми, туманимизда танилиб, оғизга туша бошлади. Аммо, мен бунга эмас, балки отамнинг армонлари биз, фарзандлари воситасида рўёбга чиқаётганидан кўпроқ қувонаман.

Дилимдагини айтсам, ҳаммаси мустақиллик туфайли. Акс ҳолда фермерлик қаёқда эди. Ўтган йили тендерда иштирок этиб, 55 гектар ерлик бўлдим. Нимасини айтасиз, эгалик ернинг йўриғи бошқа бўлар экан. Энди у бизнинг оилавий мулкимиз. Ҳукуматга, Юртбошимизга раҳмат. Мамлакат тинч, ер бор, сув тайин, куч-қувватимиз етарли. Фақат ишлаш керак. Ишлаганда ҳам виждонан, ҳалол меҳнат қилиш керак. Ана шунда халқ ҳам, юрт ҳам дунёдаги энг бой, энг қудратли мамлакат бўлади.

Мана, ўзимиздан мисол. Ўтган йилги мавсумда шартнома режасидагидан анча ошириб, 156 тонна ғалла топширдик. Бу – ўзимизга қолганидан ташқариси. Хуллас, пахтачилигу ғаллачиликдан 15 миллион сўмдан кўпроқ соф даромад олдик.

Дарвоқе, феъли кенг, қўли очиқ фермер асло кам бўлмайди. Ҳали айтганимдек, биз оилавий фермермиз. 12 нафар аъзоимиз бор. Мавсумига қараб, қўшимча ишчи кучи ҳам ёллаб турамиз. Оддий ишчилар 80 минг сўмгача, механизаторлар 120 минг сўмгача иш ҳақи олишади. Бундан ташқари баҳоли қудрат ҳомийлик ҳам қиламиз. Вилоят эндокринология шифохонасига картошка ва сабзи етказиб бердик. Қишлоғимиздаги кам таъминланган тўртта оила доимий эътиборимизда. Мустақиллик, Наврўз, Хотира ва қадрлаш кунлари қишлоғимиз фахрийлари учун байрам дастурхонларини тузаймиз.

Фермер хўжалиги – мустақил хўжалик. Бинобарин, у ҳеч бир жиҳатдан ташқи ёрдамга муҳтож бўлмагани маъқул. Биз шунга ҳаракат қилдик ва эришдик. Ихтиёримизда тўртта тракторимиз бор. Шундан иккитаси чопиқ, биттаси транспорт ва яна биттаси "Олтой-4" ҳайдов трактори. Яқинда яна битта трактор сотиб олдик.

Бу йил 27 гектар майдондаги ғалламиз яхши бошоқлади. Шартнома режаси – 43 центнер. Яхшигина даромад кўришимиздан кўнглимиз тўқ.

Шунингдек, 25 гектар ерда ғўза парваришлаяпмиз. Шартномага мувофиқ 64 тонна хом ашё етказиб беришимиз керак. Бу режа ҳам ортиғи билан уддаланади. Негаки, ғўзани озиқлантиришнинг янгича усулини оқилона қўлладик. Айрим фермерлардан фарқли ўлароқ биз ғўзага суспензия беришдан аввал сифатли ягана қилдик, бегона ўтлардан тозалаб олдик. Натижада ўғит фақат ғўзанинг ривожига "ишлади".

Самад ЙЎЛДОШ.

СУРАТДА: Ихтиёр Манасов ғўзанинг ривожидан мамнун.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Миллий қонунчилигимизда болаларга нисбатан улкан меҳр ва инсонийлик тамойиллари ўз аксини топган ва бу жиноят йўлига кириб қолган ёшларни соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Бу Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ратификация қилинган бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар мазмун-моҳиятига тўла мосдир. Жорий йилда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан БМТ Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимига оид муаммолар ва ечимларга бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда гап борди.

Конференцияда бола ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Ф. Ш. АКБАРОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ – ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Фарида Шораҳимовна Акбарова Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2008 йил 2 июнь.

2008 йил – Ёшлар йили

Ёш авлод пухта билим олиши ва замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши учун амалда ғамхўрлик қилган жамият ва давлатнинг эртанги куни порлоқ ва буюк бўлади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Юртбошимиз биз билим ва касб чўққиларини забт этишлари учун ўз болаларимизга қанот беришимиз керак, деб қайта-қайта такрорлайдилар. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар бугун ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, уларни катта ҳаётга, ўз тақдирларини ўзлари яратишга қодир қилиб тайёрлаш имконини берди.

Анъанавий «Маҳорат – 2008» кўргазмаси вилоят касб-ҳунар коллежлари бугун эришган даражанинг ёрқин намойишига айланди. Унга коллежларнинг ўқувчилари ўзлари ясаган маҳсулотларни, замонавий ишлаб чиқариш қувватларининг ҳаракатланувчи макетларини олиб келишди. Уч кун мобайнида мактабларнинг минглаб битирувчилари коллежларда ўқитилаётган касблар билан танишиб, қайсинисини танлаш хусусида бир тўхтамга келдилар. Тошкент туман ижтимоий-иқтисодиёт, Чирчиқ маиший хизмат ва Ангрен ахборот технологиялари коллежлари «Маҳорат – 2008»да совринли ўринларни эгаллашди.

ЯНГИ АВЛОД КАМОЛИНИ КЎЗЛАБ

КЕЧА

Мамлакатимиз мустақилликка эришган 1991 йили вилоятимизда 33 та касб-ҳунар билим юрти ёшларга таълим-тарбия бераётганди. Савол туғилади: «Уларда таълим даражаси қандай аҳволда эди?»

Касб-ҳунар билим юртлари асосан саноат ва транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари учун ишчи мутахассислар тайёрларди. Бу тизим халқ таълими бошқармалари таркибида фаолият кўрсатар ва одатда ўрта мактабларнинг хулқи қониқарсиз ва дарсларини ўзлаштириши паст ўқувчилари «сараланиб», уларда ўқиш учун юборилардилар.

Табиийки, бундай тизим таълимда изчилликни таъминламас, янгиланаётган жамият, меҳнат бозоридаги кучли рақобат талаблари, ўз иқтисодий мустақиллигининг пойдеворини яратишга киришган давлатимиз эҳтиёжларига жавоб бера олмасди. Мустақилликнинг дастлабки йиллари тажрибаси буни яққол тасдиқлади. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан бу соҳада чуқур ислоҳотлар бошланди. Аввало, ўрта махсус, ҳунар-техника таълими тизимининг мавқеи ўзгартирилди, у мустақил мақомга эга бўлди. 1998 йили ўрта махсус, ҳунар-техника таълими бошқармалари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида», «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари асосида амалга оширилган ишлар бу борадаги ислоҳотларни чуқурлаштирди.

Чунончи, 1999-2005 йиллар давомида вилоятда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури босқичма-босқич амалга оширилди. Натижада шу йиллари шаҳар ва туманларда 15 та янги коллеж биноси қурилди ва 36 та эски бинолар қайта таъмирланди. Бу мақсадлар учун 60,7 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Бу жараён кейинги икки йил мобайнида изчил давом эттирилди. Янги қурилишлар ва тўла қайта таъмирлаш ишларига яна 45,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Натижада жуда қисқа муддатда вилоятда 32 та коллеж учун бино қурилиб, 44 та эски бинолар тўла таъмирланди. Улар билим олиш, касб ўрганишнинг энг янги, замонавий воситалари билан таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

ТАРҒИБОТ САМАРАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ва оила манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларни қонунга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган туркум ўқув-семинарлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент юридик коллежида бўлиб ўтди.

Ҳуқуқшунос мутахассислар, олимлар ва журналистлар иштирок этган тадбирда фуқароларнинг қонунга ҳурмат билан муносабатда, бўлиши учун ҳуқуқий тарғибот ишларини янада жонлантириш зарурлиги таъкидланди.

ЎзА.

СОБИҚ АСКАР БУГУН ТАЛАБА

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган йигитларга мамлакатимиз олий таълим муассасаларига ўқишга киришда муайян имтиёзлар берилади.

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси маълумотларига кўра, ўтган йили минг нафардан зиёд йигит ана шундай имкониятга эга бўлди. Уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртлари талабалари сафига қўшилди. Улардан бири – ўртачирчиқлик Тўхтамурод Қурбонқуловдир.

Айни пайтда у Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олмоқда. Тўхтамурод ўзини тутиши, изланувчанлиги, ташаббускорлиги, илмга чанқоқлиги ва зеҳни ўткирлиги билан курсдошларидан ажралиб туради.

Жорий йил баҳорги мавсумда муддатли ҳарбий хизматни тамомлаган Тошкент вилояти йигитларидан қарийб олти юз нафари ана шундай тавсиянома билан уйига қайтди. Улар олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Чунки кўмондонлик ва ота-оналар ишончини оқлаш – катта шараф.

ЎзА.

Фестиваль

Ташкилотларда хизмат қилаётган ходимлар ва айниқса, ёшларнинг санъат соҳасига қизиқишини кучайтириш, уларни бадиий ҳаваскорлик жамоаларига кенг жалб этиш орқали бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати қарори билан "Ўзбекистон, сени куйлайман!" фестивали эълон қилинган эди.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят бўйича вакиллиги вилоят касаба уюшма қўмитаси, туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида фестивалнинг мақом, анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, миллий созандалик ва рақс санъати йўналишларида вилоят босқичини ўтказди.

Вилоят Маънавият тарғибот марказида ташкил этилган фестивалга тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раҳбарлари, туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари ва вилоят ҳудудларидаги фаол касаба уюшмалари аъзолари таклиф этилди.

Фестивалнинг вилоят босқичида туман ва шаҳар босқичлари ғолиблари, бадиий-ҳаваскорликка қизиқувчилар ва санъат ихлосмандлари бўлган 23 ходим ғолиблик учун кураш олиб борди. Беш кишидан иборат ҳакамлар ҳайъатининг якуний қарорига мувофиқ вилоят тиббий экспертиза комиссияси ҳайдовчиси Ҳасан Каримов миллий созандалик, Пскент тумани қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ҳасан Исроилов мақом, Бўка тумани хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Гавҳар Пўлатова анъанавий ижрочилик, Ангрен шаҳар Халқ банки ҳисобчиси Азиз Кўкиев эстрада қўшиқчилиги, Ангрен шаҳар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими етакчиси Зарнигор Нурматова рақс ижрочилиги бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

Ғолиблар ҳамда барча иштирокчиларга вилоят, туман ва шаҳар вакилликларининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Фестиваль Низомига мувофиқ ғолибларнинг ҳужжатлари учинчи босқичда иштирок этиш учун вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши қошидаги комиссияга тақдим этилди.

Хат босилмади, чора кўрилди

БУ ЕРДА ЭНДИ БОҒ БЎЛАДИ

Таҳририятга Ангрен шаҳри "Таҳририят" кўчасида яшовчи аҳоли номидан келган шикоят мактубида хусусан, қуйидагилар баён этилганди.

"...Аҳолининг норозилигига қарамай, "Таҳририят" кўчаси 6-даҳа, 6-уйнинг 1-кириш йўлаги олдига ҳамда руҳий хаста болалар таҳсил оладиган 9-мактаб қаршисига "Экосан" жамғармаси томонидан чиқинди ташлайдиган уйча қурилиши бошланди. Бу уйча ҳар жиҳатдан замонавий бўлиши, атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар етказмаслиги кутилганди. Минг афсуски, чиқиндихона қурилиши ҳали битмай, чала ҳолида ишга туширилди. Кейинчалик бу ер умуман қаровсиз жойга айланди. Ахлатлар ўз вақтида олиб кетилмаслиги натижасида ҳаммаёқни қўланса ҳид тутиб, пашша босиб кетарди. Шу сабаб болалар кўчада ўйнай олмайдиган, кексалар ва аёллар уй атрофида юролмайдиган бўлиб қолишди.

Аҳоли ўз ҳисобидан бу ҳолга бир неча бор барҳам беришга ҳаракат қилди. Аммо чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаганлиги сабабли яна эски ҳаммом, эски тослигича қолаверди. Бу ҳакда қарийб уч йил давомида тегишли корхона ва ташкилотларга мурожаат қилдик. Аммо, ҳеч ким дардимизга қулоқ тутишни истамади".

Шикоят мактуби вазиятни ўрганиш ва тегишли чора кўриш мақсадида Ангрен шаҳар ҳокимлигига юборилган эди. Унга шаҳар ҳокими ўринбосари Н. Назарова имзоси билан жавоб хати келди. Унда шундай дейилади:

"Шикоят хати ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам "Экосан" жамғармаси ҳомийлигида бу ерда ахлатхона қурилиб, 2005 йилда ишга туширилган. Махсус корхоналарнинг масъулиятсизлиги ва иқтисодий ночорлиги сабабли чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаган...

"Таҳририят" кўчасидаги бундай нохуш вазиятни бартараф этиш мақсадида шаҳар ҳокими қарори билан маҳаллада округ тузилиб, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришга ҳомийлик қилувчи корхона ва ташкилотлар бириктирилди. 2008 йил март ойида бу ердан 40 тонна чиқинди олиб кетилди ва ахлатхона тўлиқ тозаланди. Шунингдек, маҳалла аҳлининг ҳашари ҳамда ҳомийлар кўмаги билан у бошқа жойга кўчирилди. Ушбу масала бўйича аҳоли билан бўлиб ўтган учрашувда ахлатхона ўрнида боғ ташкил этиб, турли мевали ва манзарали дарахтлар экишга келишиб олинди".

Таҳририятдан: *шу ўринда ҳақли савол туғилади. Наҳотки, аҳоли арз-додига вақтида қулоқ тутиш ва шикоятда келтирилган нуқсонларни бартараф этиш имкони топилмаган бўлса? Қолаверса, атроф-муҳит орасталиги учун масъул бўлган шаҳар санитария ва эпидемиология маркази ва бошқа ташкилотлар бу масалага нима учун панжа орасидан қаради? Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳал қилиши мумкин бўлган бу муаммони вилоят даражасига олиб чиқиш шартмиди?*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ЮНЕСКОнинг Бағрикенглик тамойиллари декларацияси нормаларининг Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ва ҳуқуқий амалиётидаги инъикосига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан ташкил қилинган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олий таълим муассасаларининг профессор ва ўқитувчилари, талабалар, диний ва жамоат ташкилотлари вакиллари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Давра суҳбатини мазкур қўмита раиси М. Тешабоев бошқарди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ 60 дан зиёд ҳужжатга қўшилиб, халқаро ҳамжамиятнинг бу соҳадаги саъй-ҳаракатларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бағрикенглик тамойиллари декларациясининг қоида ва нормаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш ва ҳуқуқий амалиётга кенг жориш этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз қонунчилиги ва ҳуқуқий амалиётида миллий анъаналар ва халқаро стандартларнинг уйғунлиги тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармони бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

2008 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган 2008 йилнинг энг яхши тўгарак раҳбари республика кўрик-танлови якунланди.

ЭНГ ЯХШИ ТЎГАРАК РАҲБАРИ

"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган "Йилнинг энг яхши тўгарак раҳбари" республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад мактабдан ташқари таълим масканларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, бу борада тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш, тўгарак раҳбарлари – педагогларнинг ўзаро тажриба ва фикр алмашиши учун кенг имкон яратишдан иборат.

Танлов жараёнида тўгарак раҳбарларининг муайян соҳалар бўйича ўқувчиларни қизиқтира олиши, машғулотларда илғор педагогик технологияларни қўллаши, ўқувчиларни республика ва халқаро миқёсдаги кўрик-танловлар, интеллектуал беллашувларга йўналтириши билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА.

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Зангиота туманидаги 14 та қишлоқ врачлик пунктини Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам лойиҳаси доирасидаги гранти асосида энг янги ташҳис қўйиш-даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш давом этмоқда. Яқинда Назарбек қишлоқ врачлик пунктига умумий қиймати 45 минг долларлик шундай тиббий ускуналар топширилди.

– Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш миллий дастури жадал амалга оширилмоқда, – деди маросимда Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Цутолу Хираока. – Ҳукуматимиз бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида Тошкент ва Жиззах вилоятларида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилашга хизмат қилувчи лойиҳани амалга оширмоқда. Умуман, шу ҳаракат доирасида 114 та қишлоқ врачлик пункти учун грант ажратилган. Мен бугун бу шифо масканига мана шу лойиҳага биноан ажратилган тиббий асбоб-ускуналарни топшираётганимдан ғоятда мамнунман.

– Шифохонамизга жами 54 номдаги асбоб-ускуналарни қабул қилиб олдик, – деди маросим сўнгида Назарбек қишлоқ врачлик пункти мудири Мақсуда Ворисова. – Улар касалликни тез ва аниқ белгилаш, тиббий муолажаларни малакали амалга ошириш имконини беради.

Саид ҲАСАНОВ.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Зангиота туманидаги болалар ахлоқ тузатиш колониясида хайрия тадбири ўтказилди.

Тадбирда муассаса тарбияланувчилари ўртасида спорт мусобақалари, арқон тортиш, бошдан дўппи тушириш каби миллий ўйинлар ташкил этилди. Анжуманда ёш авлод тарбиясида ота-она, маҳалла кўйнинг ўрни ва роли ҳақида сўз борди. Уларни йўлдан адашмаслиги, турли ёмон иллатларга қўшилиб кетмаслиги учун тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида "Турон" спорт тўгараги қатнашчиларининг кўргазмали чиқиши, "Ниҳол" мукофоти совриндорларининг куй-қўшиқлари ҳамда "Иффатли келин" ўқув маркази ўқувчилари томонидан тайёрланган байрам тортлари, ширинликлари тортиқ этилди. Айниқса, Россия элчихонаси томонидан муассаса кутубхонаси учун бадиий адабиётлар тақдим этилиши яна бир қувончли воқеа бўлди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшларни соғлом ҳаётга қайтариш, эзгулик ғояларини яшашга ўргатиш ҳамда ўз қилмишларидан пушаймон бўлганларга тўғри йўл танлай олишига кўмаклашишга қаратилган. Мазкур учрашув муассасада тарбияланаётган ёшларни эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган амалий ишлар намунасидир.

Дарҳақиқат, инсоннинг олдида турган эзгу ва улуғ мақсадларининг барчаси, аввало, ўсиб-улғаяётган фарзандларнинг қандай инсонлар бўлиб етишишига боғлиқ. Уларга берилаётган эътибор келажакка ташланган пойдеворнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

«Туркистон-пресс».

Пилла – 2008

Юқоричирчиқ тумани:

150 ТОННАЛИК ХИРМОН

Юқоричирчиқ тумани пиллакорлари қарийб 150 тонна аъло сифатли хом ашё етказиб бериб, шартнома мажбуриятини муваффақиятли адо этдилар. Эътиборли жиҳати, туман пиллакорлари зиммасидаги буюртма бу мавсум ҳар йилгидан 17 тонна кўп бўлгани баробарида, улар режани ҳар сафаргидан 8-10 кун барвақт бажардилар.

Туман "Пиллакор" масъулияти чекланган жамиятидан олинган маълумотга кўра, бу йил 739 та фермер хўжалиги шартнома асосида 2750 қути уруғ парвариш қилди. Бошидан қилинган кўламли саъй-ҳаракатлар, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилгани, фермерлар томонидан пиллакорлар учун етарли шарт-шароит вақтида таъминлангани ва албатта, пиллакор меҳнати муносиб қадрлангани боис, туман меҳнаткашларининг дастлабки баракали ҳосил хирмони бекаму кўст бунёд этилди.

– Туманимиз вилоятимизнинг шимолий минтақаларидан бўлгани сабабли, бизда пиллачиликнинг ўзига хос агротехникасига алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндошиш талаб этилади, – дейди туман "Пиллакор" масъулияти чекланган жамияти раиси Жамшид Ибраев. – Бу борада фермер хўжаликларида кўп йилдан буён иш юритаётган таниқли пиллакорлар, етук мутахассислар тажрибасига таяниб иш кўрдик. Мутахассисларимиз белгиланган режажадвал асосида пиллахоналарда мунтазам навбатчилик қилишди, ипак қуртининг ривожланиш босқичлари, озуқа таъминоти доимий назоратда бўлди.

Дарҳақиқат, пиллакорлар учун бу йил озуқа масаласида деярли муаммо бўлгани йўқ. Мавжуд 330 минг тупдан зиёд, сифатли барг берадиган якка тут дарахтлари батамом фермерлар ихтиёрига ўтгач, уларнинг парваришига алоҳида эътибор берила бошланди. Соддароқ айтганда, ҳар туп тутнинг энди эгаси бор, ҳеч ким бу муҳим озуқа манбаларига бирор зиён-заҳмат етказа олмайди. Бундан ташқари, кейинги 3-4 йил ичида 32 гектар янги тутзор ташкил қилингани бугун самара бера бошлади.

Таъкидлаш жоизки, аксарият фермер хўжаликлари юқори ҳосилдорлик эвазига шартнома мажбуриятини ҳам барвақт, ҳам ортиғи билан уддалашга эришдилар. Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик ҳар қути ҳисобига 54,2 килограммдан тўғри келди. Бир қатор пиллакорлар бу кўрсаткини 60-65 килограммга етказишди.

Хусусан, Райҳон Жумақулова бошлиқ хўжалик аъзолари 4 қути уруғдан 317 килограмм "кумуш тола" топширдилар. Бу ҳар қутидан қарийб 80 килограмм ҳосил олинди, дегани. Ихтиёр Абдулазизов, Медет Мирзабоев раҳбарлик қилаётган фермер хўжаликлари пиллакорлари эса туман хирмонига энг кўп ҳосил қўшишга муяссар бўлдилар. Туманда етиштирилган ҳосилнинг 70 фоиздан зиёдроғи биринчи навга қабул қилинди.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН ЗАМИН ҲОЗИРЛАБ

Пахтадан мўл ҳосил олишда техниканинг аҳамияти катта. Шу боис, механизатору тракторсиз бу экинни маромига етказиб парваришлаш, кутилган ҳосилни олиш қийин.

Жорий йилда бир миллион тўрт юз йигирма беш минг гектар майдонга чигит қадаган фермерларимиз далаларида 26 минг 182 та техника ишлаб турибди. Ҳозир пахтакорларимизнинг бутун эътибори ғўзани агротехник талабларга мувофиқ сифатли культивация қилиш ва озиқлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пахтачиликни ривожлантириш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиз бўйича ҳар куни ўртача 100 минг гектардан кўпроқ майдон культивациядан чиқарилмоқда.

Ҳозирга қадар ғўза барқ уриб ривожланаётган майдонларда ўртача икки мартадан – 2782,1 минг гектарда чопиқ, 2447,3 минг гектарда эса культивация ишлари ўтказилди.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири.

2008 йил – Ёшлар йили

ЯНГИ АВЛОД КАМОЛИНИ КЎЗЛАБ

БУГУН

Вилоят шаҳар ва қишлоқларидаги 4 та академик лицей ва 87 та касб-ҳунар коллежида 87 минг 292 ўқувчи 11 таълим йўналиши бўйича назарий билим олиб, уни амалий машғулотларда мустаҳкамлаб, 137 хил мутахассисликни эгалламоқда. Фақат сўнгги бир йилда Бекобод туманининг Улуғбек, Қуйичирчиқ туманининг Дўстобод, Пскент туманининг Оқтепа, Ўртачирчиқ туманининг Чиғириқ, Оҳангарон туманининг Санам, Тошкент туманининг Кўксарой, Янгийўл туманининг Шўралисой, Зангиота туманининг Эркин, Оққўрғон туманининг Сегизбоев сингари қишлоқ ва шаҳарчаларида янги касб-ҳунар коллежлари қурилди.

Лицей ва коллежларни қуриш-таъмирлаш ишлари чинакамига умумхалқ ҳашари тусини олди. Шуни айтиш кифояки, «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси Бекобод шаҳрида тиббиёт, «ОКМК» очиқ акциядорлик жамияти эса, Олмаликда хизмат кўрсатиш коллежлари учун янги бинолар қуриб, фойдаланишга топширди. Таълим-тарбия муассасаларини таъмирлаш, компьютер техникаси ва янги дарсликлар билан таъминлаш, камхарж оилалар фарзандлари ва ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга отланган бундай корхоналар оз эмас.

Лекин шинам биноларнинг ўзи таълим-тарбия жараёнини яхшилашни таъминлай олмайди. Муҳими – уларни таълим андозалари талабига мутаносиб ўқув қуроллари, амалий машғулот воситалари билан мукаммал жиҳозлаш, ўқитувчи ва мураббийларнинг янги педагогик технологияларни мукаммал эгаллаб олишларида бу борадаги ишларнинг миқёсини, унинг хилма-хиллигини тасаввур этиш учун таълим йўналишларига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Ҳозирги пайтда коллежларда педагогика, тиббиёт, хизмат кўрсатиш, маданият ва спорт йўналишларидан ташқари энергетика, металлургия саноати ва кончилик соҳалари учун ҳам кўплаб кичик мутахассислар тайёрланаётир. Айтайлик, энергетика ва саноат соҳасида уларнинг тури 23 тага етди.

Шулар ҳисобга олиниб, академик лицей ва коллежлар замонавий лаборатория жиҳозлари, асбоблар ва ўқув воситалари билан ускуналанмоқда. Бунинг учун давлат, нодавлат ташкилотлари ва тадбиркорлар маблағни аяшмаётир. Чирчиқ, Янгийўл, Ангрен, Бекобод шаҳарлари, Бўка, Чиноз, Пскент сингари туманлардаги 21 коллежда махсус компьютер синфлари барпо этилди. Умуман, бугунги кунда таълим муассасалари 135 та компьютерга эга, ахборот-ресурс марказларининг 44 таси интернет тармоғига уланган. Ўтган йили вилоятдаги 21 таълим муассасаси 662 миллион сўмлик лаборатория жиҳозлари олди.

Бу жараёнга хорижий сармояларни жалб қилиш қўлами кенгайиб бораётир. Чунончи, ҳозиргача 12 та таълим муассасаси чет эл кредити лойиҳалари ҳисобидан тўла жиҳозланди. Қибрай, Кенсой, Оққўрғон, Пскент қишлоқ хўжалик коллежлари Япония лойиҳасига киритилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Янгиобод радиотехника касб-ҳунар коллежи Осиё Тараққиёт банки кредит лойиҳаси бўйича 93,8 миллион сўмлик янги жиҳозлар олди. Осиё Тараққиёт банки, шунингдек, Бўстон қишлоқ хўжалиги коллежига 144,8, Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежига 93,8 миллион сўм маблағ ажратди. Натижада лицей ва коллежларимизда тўла компьютерлаштирилган ўқув хоналари кўпайиб, ахборот ресурслари доираси кенгайиб бормоқда.

Ўқитиш сифатини яхшилашда, ўқувчилар билимини чуқурлаштиришда бу жараёнларнинг аҳамияти беқиёс. Ёшлар пухта билим олиб, фан олимпиадаларида тобора самарали иштирок этишаётир. Ўтган йили Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Илҳом Неъматуллаев Россияда ўтган халқаро олимпиадада математика фани бўйича 3-ўринни эгаллади.

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи ўқувчиларидан Вадим Минков, Отабек Ҳамидов, Беҳзод Соатов, Мерей Медетов ва Серик Мирбеков спортнинг белбоғли кураш, дзюдо, эшкак эшиш турлари бўйича Қатар ва Беларусда ўтказилган халқаро мусобақаларда ғалаба қозониб, Ўзбекистон спорт шарафини муваффақиятли ҳимоя қилишди.

ЭРТАГА

«Юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт қуришда замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлодни тарбиялаш масаласи нақадар масъулиятли вазифа эканини барчамиз яхши тушунамиз», – деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов вилоятимиз сайловчилари билан учрашувда. Давлатимиз раҳбари бу борадаги вазифаларга алоҳида тўхталиб, келгуси икки йил мобайнида шаҳар ва қишлоқларимизда 40 та янги касб-ҳунар коллежи, 2 та академик лицей қурилажагини таъкидлади. Умуман, барча турдаги таълимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш мақсадлари учун шу муддатда 151 миллиард сўм маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда.

Фақат Ёшлар йилининг ўзида янгидан 13 та коллеж барпо этиш ишлари қизғин давом этмоқда. Вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси бўйича бу манзилли қурилишлар учун давлат бюджети маблағларидан 29 миллиард 505 миллион сўмга яқин маблағ сарфлаётир. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимида янги иншоотлар барпо этиш ва мавжудларини тўла таъмирлаш ва салоҳиятли қурилиш ташкилотларини жалб этиш масъулиятини ўз зиммаларига олиш мақсадида ўтказилган тендер танловида бир қатор хусусий қурилиш фирмалари ғолиб бўлди. Чунончи, Олмалиқ шаҳрида кон-металлургия саноати учун кичик мутахассислар тайёрловчи коллеж қурилишини «2-Олмалиқкимёқурилиш» масъулияти чекланган жамияти амалга ошираётир. «Моника», «Умидгрантбарака», «Қурилишбинотаъмир», «Бунёдкор» сингари ташкилотлар ҳам бу умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшаётир. Айни пайтда Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида икки коллежни янги касблар бўйича қайта ихтисослаштириш кўзда тутилиб, таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

– Бу йил ҳам хорижий ҳамкорларнинг кредит маблағлари ҳисобидан янги касб-ҳунар муассасаларини қуриш, мавжудларини ўқув-амалий машқ жиҳозлари билан ускуналаш давом этади, – дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг қурилиш бўлими раҳбари Ўткир Ўлмасов. – Жумладан, Бекобод туманида 540 ўринли транспорт, саноат, қурилиш коллежини барпо этишга Ислом тараққиёт банки кредит маблағлари ажратди.

Юртимизда азалдан касб-корли инсонлар, қўли гул усталар ҳурмат-эътибор қозониб келишган. Тафаккури чуқур, идроки ўткир бинокорлар барпо этган осори-атиқалар, моддий-меъморий ёдгорликлар минг йиллар оша кўзларимизни қувонтириб, қалбларимизда аждодларимизнинг ноёб санъатларидан ифтихор туйғуларини жўш урдириб турибди. Бугун касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган йигит-қизлар ҳам янги-янги йўллар, кўприклар, корхоналар, илм муассасалари ва бошқа маданий-маиший биноларни барпо этиш сингари муҳим лойиҳаларнинг бажарилишида фаол иштирок этиб, унумли меҳнат қилаётирлар. Уларнинг кўпчилиги кейинчалик олий ўқув юртларида таҳсил кўриб, юқори малакали мутахассис сифатида қилни қирқ ёриб, илм соҳасини янги, замонавий дурдоналар билан бойитишларига шубҳа йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, умидимиз ва суянчимиз – янги авлод камол топаяпти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

МАҚОЛА ЁЗ – НОУТБУК ЭГАСИ БЎЛ

Шу йилнинг 12 март куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг қўллаб-қувватлаши асосида "InfoCom.Uz" журнали томонидан "IT-журналистикаси соҳасида 2008 йил учун Миллий мукофот" танлови эълон қилинган эди.

Танлов шартларига кўра, унга юборилган мақолалар ахборот технологиялари мавзусига бағишланган бўлиши, илмий-оммабоп усулда ёзилиши, суратлар илова қилиниши ҳамда муаллиф ўз олдига қўйган мақсадларини тўла очиб бериши зарур эди. Шунингдек, мақолаларда мамлакатимизда ахборот технологияларини амалиётга татбиқ этиш масалалари ёритилиши кўзда тутилганди.

Мазкур танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бош мукофот – замонавий ноутбукни "Молодежь Узбекистана" газетаси мухбири Елена Калинина қўлга киритди.

Феруза ТЎРАЕВА.

Тараддуд

ЙИГИРМА ИШ КУНИ КИФОЯ

Оққўрғон тумани "Машина-трактор парки" ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам ғалла ўрим-йиғими мавсумига пухта ҳозирлик кўрди.



– Зиммамизга юкланган масъулият ниҳоятда катта, – дейди корхонанинг кўп йиллик тажрибали оператори Муҳиддин Дадабоев. – Жами 8600 гектар майдондаги буғдойни ўриб-янчиб беришимиз лозим. Ҳосил эгалари – фермерлар бизга астойдил ишонадилар. Ғалла оби-тобида етиляпти. Буёғига ҳар кун ғанимат. Бор имкониятни ишга солиб, мавсумни 20-22 иш кунида якунлашни режалаштирганмиз. Бунинг учун корхонадаги мавжуд ўрим агрегатлари, жумладан, 12 та "Кейс" ва 9 та "Класс" русумли комбайнлар ишга шай қилинди.

СУРАТДА: МТП раиси Ғафуржон Жуманов оператор Муҳиддин Дадабоев билан техник соз ўрим агрегатларини рўйхатдан ўтказишаяпти.

Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

Қишлоқ мулкдорлари

ХОЛИС НИЯТ РЎЁБГА ЧИҚАДИ

Муҳаббат опа асли деҳқон қизи. Шунинг учун бўлса керак унинг ерга, деҳқончиликка иштиёқи бўлакча. Ўз таъбири билан айтганда, зироатчилик унинг учун дилтортар машғулот.

– Ҳар сафар дала айлансам, боғ ва буғдойзорларни кезсам, дилим яйрайди, иштиёқим янада ортади, – дейди Муҳаббат Мирзаева. – Айниқса, ҳосил пишиб, хирмон уюла бошлаган паллада, қилган меҳнатларинг завқини тотиш нақадар мароқли.

Муҳаббат Мирзаева Паркент туманидаги "Мирза ўғли Қобил" фермер хўжалиги раҳбари. Қарамоғида 10 гектар ери бор.

– Асли 10 гектар ер унчалик катта майдон эмас, – дейди фермер. – Аммо, катта ерни олиб қўйиб, эплолмай, юз шувут бўлганидан кўра, имконият даражасида иш тутиб, кейинчалик фаолиятни кенгайтириб бориш тўғри бўлади.

Опанинг бу мулоҳазаларида жон бор. Чунки, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, экин майдонларини суяги далада қотган асл деҳқонларга топшириш ва асл фермерлар сафини кенгайтириш мақсадида кенг қамровли ва узоқни кўзловчи ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, аниқ чора-тадбирлар асосида амалий ишларга қўл урилмоқда. Шу билан бир вақтда фермерликни орзу қилиб, кейин эплай олмаётган "заминдорлар"нинг ерлари қайта тендерга қўйилиб, ҳақиқий эгаларига топширилмоқда.

Шу жиҳатларни олдиндан кўра билган Муҳаббат Мирзаева 2003 йилда "Мирза ўғли Қобил" фермер хўжалигини ташкил этаётган кезлари ён-атрофидагиларнинг қистовига қарамай, 10 гектар ер билан кифояланди. Айни кунда суғориладиган ушбу майдоннинг 2 гектарида боғ ташкил этилган, 5 гектар ерга ғалла экилган. 3 гектар майдонда турли сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда.

– Ҳар йили давлат эҳтиёжи учун ғалла етиштириш режасини ортиғи билан бажарамиз, – дейди Муҳаббат опа. – Масалан, ўтган йили 6 гектар майдондан 16 тоннадан зиёд ҳосил топширган бўлсак, бу йил ундан-да юксакроқ натижаларни кўзлаб турибмиз. Икки гектар боғдаги олма, нок, гилос каби мевали дарахтлар бу йил тўла ҳосилга кирди. Дарахтларга ўз вақтида ва сифатли ишлов берилгани сабаб ҳосил чўғи чакки эмас.

Мавсумий ишлар авж олган кезларда аъзоларимиз кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун даламиз бошига мўъжазгина шийпонча қурдик. Қолаверса, ёзнинг иссиқ кунларида меваларни сақлаш учун ҳам жой керак-ку!

Фермернинг муаммоларни тез ва оқилона ҳал қила олиши ҳамда бугунги кунда эришаётган ютуқларини кўриб, келгусидаги режалари ҳақида билгимиз келди.

– Юртбошимизнинг чорва молларини кўпайтириш ҳақидаги қарорлари менга янги руҳ бағишлади, – дейди фермер. – Ҳозир кичикроқ ферма ташкил этиш тараддудидамиз. Насиб этса, боғимизни кенгайтириш ва шу боғда пишган меваларни қадоқлаш цехини қуриш ниятимиз ҳам бор.

– Албатта, бир киши учун шунча иш ва янги режаларни амалга ошириш оғирлик қилади, – дейди суҳбатимиз пировардида Муҳаббат Мирзаева. – Агар ёнингда бир таянчинг, суянчинг бўлмаса, режаларинг шунчаки орзу бўлиб қолаверади. Менга эса турмуш ўртоғим, фарзандларим ҳамиша қўшқанотдирлар. Ҳар бир юмушни уларнинг маслаҳати ва кўмаги билан рўёбга чиқарамиз.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ХХI аср ва ДУНЁ

"Майкрософт" корпорацияси компьютерлар учун янги бошқарув тизимини яратди. Хабарларга кўра, яқин кунларда у сезгир "тач-скрин" экранли компьютерлар ишлаб чиқара бошлайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур янги бошқарув тизими анъанавий сичқонча орқали бошқариш усулига нисбатан анча қулай бўлиб, фойдаланувчиларга манзур бўлиши табиий. Қайд этиш жоизки, бундай тизим аллақачон смарт-фон уяли алоқа телефонларида қўлланилади. Режага кўра, сезгир экранли компьютерлар 2009 йилнинг охирига бориб "дунё юзини кўради".

* * *

Колумбияда кучли ёғингарчилик туфайли юзага келган тошқин оқибатида ўн олти киши ҳаётдан кўз юмди ва элликка яқин одам жароҳатланди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига қараганда, бир неча кундан буён давом этаётган табиий офат оқибатида ўнлаб турaржой бинолари вайрон бўлган, электр узатиш тармоқлари ишдан чиққан, кўплаб экин майдонларига зарар етган, транспорт ҳаракати тўхтатилган. Мамлакат катта миқдорда моддий зиён кўрган.

ЎзА.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент тумани, Тошкент ш/х, Минвода кўчаси "Кандрат Даевоо" ХК омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент вилояти Зангиота туман судининг 05.09.2007 йилдаги 5-394/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "УАЗ-31512" русумли, д/р 10 М 6077 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 200 000 сўм.** 2. ЖИБ Тошкент вилояти Зангиота туман судининг 05.09.2007 йилдаги 5-395/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "УАЗ-31512" русумли, д/р 11 S 2852 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 350 000 сўм.**

II. Шунингдек, аукцион савдосига Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 11.08.2006 йилдаги 11-06-05/5697-сонли ва 27.03.2007 йилдаги 11-07-05/904-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри, Улуғбек кўчаси, 5/2 кичик ноҳияси ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 419,2 кв.м., умумий майдони 473,3 кв.м., бўлган "Дўкон биноси" қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 43 908 000 сўм.** Аукцион савдоси 2008 йил 8 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

5 июнь – Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

Она табиат худди биз инсонлар сингари эътибор истайди. Шундай экан, бизга меҳр бериб, тарбиялаб вояга етказган онамизга қиёс этилгувчи табиатга ўз меҳримизни бера олсаккина, бизни қуршаб турган борлиқ янада чирой очади.

ОНА КАБИ ЭЪЗОЗДА

Шу ўринда бевосита атроф-муҳит муҳофазаси тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1972 йилда таъсис этилган Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни табиатни ҳимоя қилиш борасидаги асосий тадбир сифатида ҳар йили 5 июнда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатида нишонланади. Айнан мазкур сананинг танлаб олинганлиги бежиз эмас. Сабаби шу куни (1972 йилда Стокгольм шаҳрида) БМТнинг атроф-муҳит муаммолари бўйича Конференцияси ўз ишини бошлаган эди. Шундан сўнг БМТ Дастури (ЮНЕП) ташкил топди.

Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунининг мақсади экологик муаммоларга дунё жамоатчилигининг эътиборини жалб қилиш ҳамда бу борадаги кўламли ҳаракатларни рағбатлантиришдан иборатдир.

Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни – чинакам "Халқаро айём". Мазкур санага бағишлаб турли хил спорт мусобақалари, кўкаламзорлаштириш-ободонлаштириш, одамларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун концерт дастурлари, фото суратлар намойиши ва журналистлар мақолалари танловлари, мактаблар ўртасида иншолар ва плакатлар кўриги, гул ва дарахт кўчатлари экиш ҳамда чиқиндиларни қайта ишлашга топшириш, ҳудудларда ҳашарлар ўтказиш каби турли тадбирлар уюштирилади.

Ушбу айём баҳона анъанага кўра шу куни атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўз иш натижаларининг якунларини таҳлил этиб, ютуқ ва камчиликларини сарҳисоб қиладилар. Олдиларида турган муҳим вазифаларни бажариш юзасидан аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирларни белгилаб оладилар.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг жойлардаги тизимлари ҳам бу йил ушбу кунни касб байрами сифатида ўзгача руҳда қарши олмоқда. Зеро, давлат қўмитасининг ташкил топганига бу йил 20 йил тўлди. Хусусан, қўмитамиз ходимлари ҳам ушбу байрамга ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. Улар ўз олдиларидаги сермашаққат ва халқимиз учун ғоят муҳим бўлган атроф-муҳит муҳофазасига доир вазифаларни бажаришда сезиларли ютуқларга эришдилар.

Чунончи, ўтган йиллар мобайнида ходимларимиз экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларда табиатни муҳофаза қилишга доир технологик жараёнлар, тозалаш иншоотлари, кам чиқитли технологияларни жорий этиш, атроф-муҳит муҳофазаси, қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатишди. Бир сўз билан айтганда, атмосфера ҳавосига, очиқ сув ҳавзаларига зарарли чиқиндилар ташлаётган, она заминимизни булғанишига йўл қўйиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказаётганларга қарши аёвсиз кураш олиб бормоқдалар. Бундай саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. Чунончи, ўтган йиллар давомида атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли чиқиндилар ва очиқ сув ҳавзаларига ташланадиган оқавалар миқдори камайишига, ҳар йили ўтказиладиган "Тоза ҳаво" тадбирлари жараёнида кўплаб автоуловлар текширишдан ўтказилиб, уларнинг атроф-муҳитга кўрсатаётган салбий таъсирини сусайтиришга эришмоқдалар. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишда шу соҳага оид қатор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда тезкор рейдлар уюштирилиб, минглаб дарахтларнинг ноқонуний кесилиши, кўплаб ноёб ҳайвонлар ва қушларга дайди овчилар томонидан талофот етказилишининг олди олинди.



Вилоятимиз ҳудудидаги ер ости бойликларидан фойдаланувчи, уларни қазиб олувчи 100 дан ортиқ корхоналар рўйхатга олиниб, қонун ва меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида фаолият юритишлари қатъий назоратга олинди. Барча корхона, ташкилот ва тадбиркорларнинг атроф-муҳит муҳофазасига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш бўйича зарур меъёрий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, экологик экспертизанинг ижобий хулосаси олингачгина уларга иш юритишлари учун рухсат берилмоқда.

Қўмитамиз иш фаолияти самарадорлигини таъминлашда у ташкил бўлган даврдан фаолият кўрсатиб келаётган фахрийларимиз ва улардан ўрнак олишга ҳаракат қилаётган ёш нозирларимиз ўзларининг барча куч ва салоҳиятларини ишга солишмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамона кунларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасига яқиндан ёрдам бериб, биз билан доимий ҳамкорлик қилиб келаётган вилоят ҳокимлиги, ички ишлар, солиқ, соғлиқни сақлаш, ДСЭНМ, божхона, статистика, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарияти ва ходимларига миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Албатта, юртимизда байрамлар кўп, шодиёналар бисёр. Лекин ҳар бир соҳанинг ўз байрами шу тизим мутахассислари учун алоҳида қадрлидир. Бинобарин, ушбу соҳада табиатимиз неъматларини жондан азиз деб билгувчи инсонлар фаолият юритади. Ота-табиатимизга нисбатан меҳр-муҳаббат ва чексиз эҳтиромимизни изҳор этган ҳолда бугунги қутлуғ айёмда ўзбек халқининг ардоқли шоирининг қуйидаги дилбар сатрларини яна бир ёдга олгимиз келди:

Юртдошим, боғингга
бир ниҳол қада,
Ниҳолинг номини яхшилик ата.
Ниҳолинг ёнига бир
гул экиб қўй,
Бу гулнинг номини
гўзаллик деб қўй.
Сендан фарзандингга боғ
қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан дея ном олсин,
эй дўст!

Холтўра СУВОНОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.

ҲАММА ГАП МАЛАКАДА

Қайси тизим ёки соҳа бўлмасин, ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси кўп нарсани белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Зиммадаги вазифани муваффақиятли бажариш учун ходимлардан махсус тайёргарлик, касбий кўникма ва энг муҳими, юқори салоҳият талаб этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасига ҳам талаб шундай. Айнан малакаси юқори нозирларимиз фаолияти туфайли жамоамиз арзирли ютуқларни қўлга киритаётир. Биргина мисол. Сўнгги пайтларга келиб вилоятимиз ҳудудида атмосфера ҳавосига чиқариладиган заҳарли чиқиндилар миқдори 3,7 баравар, ифлосланган оқава сувларнинг очиқ сув манбаларига ташланиши 4 баравар қисқарди.

Шаҳар ва туман қўмиталарида фаолият юритаётган ходимларимизнинг бевосита иштирокида вилоят ҳудудида тўпланиб қолган саноат ва рўзғор чиқиндиларини қайта ишлаш ва заҳарли чиқиндилар ҳисоби йўлга қўйилди. Бунинг эвазига улардан атроф-муҳитга етадиган салбий таъсир сезиларли даражада камайтирилди. Қолаверса, табиий манбаларни исроф қилишдан сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида 400 минг метр кубдан ортиқ кенг тарқалган фойдали қазилмаларни ноқонуний кавлаб олиш, 3200 тупдан зиёд дарахт турларини нобуд бўлишдан асраб қолишга эришилди.

Яқинда вилоят қўмитасида ўтказилган ана шундай бир ҳафталик ўқув-семинар кутилганидан ҳам қизиқарли кечди. Семинар бугунги кунда долзарб бўлиб турган мавзуга бағишлангани учун ҳам у мунозараларга бой бўлди. Унда сўзга чиққан маърузачилар экология соҳасида ҳуқуқий муносабатлар, қонунбузарлик ҳужжатларини тузиш қоидалари, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ва зарарсизлантириш каби мавзуларда тушунтириш беришди. Ҳар бир маърузадан сўнг амалий машғулотлар ўтказиб борилди. Семинар дастурига кўра, илмий муассасалар томонидан тайёрланган ҳозирги экологик муаммоларнинг картография ва диаграммалари акс этган қўлланма тарқатилди.

Келгусида малака ошириш ўқув-семинарларини кенгайтирилган тартибда, чет давлатлардан олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда уюштиришни давом эттириш ҳақида таклифлар билдирилди. Семинар якунида тингловчилардан 10 нафар давлат нозирига халқаро андозаларга мувофиқ сертификатлар топширилди. Ўтказилган машғулот унинг иштирокчилари учун экология соҳасидаги янги меъёрий лойиҳалар, долзарб муаммолар билан яқиндан танишиш ва корхоналарда назорат ишларини юқори савияда ташкил этишга ёрдам бериши таъкидлаб ўтилди.

Мунира ҒУЛОМОВА,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бош мутахассиси.

ЁШЛИКДАН МЕҲР УЙҒОТИШ КЕРАК

Табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишимиз, унинг бойликларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз лозим дея кўп таъкидлаймиз. Лекин буларга экологик саводхонликсиз эришиб бўлмайди. Саводхонликни эса болаликдан бошлаш керак.

Бизнинг Янгийўл туманидаги 10-мактабгача таълим муассасамиз бир неча йиллардан буён экология йўналишида иш олиб боради. Болаларни она-табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашимизда бизга "Учинчи минг йилликнинг боласи" таянч дастури анча қўл келаяпти. Дастурда белгилаб берилган вазифалар турли қизиқарли машғулотлар, сайллар, ўйинлар тарзида амалга оширилади.

Ҳозир муассасада 8 та гуруҳ бор. Уларнинг ҳар бирида жонли ва жонсиз табиат бурчаги ташкил этилган. Болаларнинг табиат бурчагида меҳнат қилишлари учун куракчалар, этакчалар, сув сепиш мосламалари ҳамда қушларни, аквариумдаги балиқларни парвариш қилиш учун керакли анжом ва озуқалар тайёрлаб қўйилган. Бундан ташқари, ҳар бир гуруҳ ўйингоҳида гулзорлар ташкил этилган бўлиб, ҳар йили баҳор фаслида болалар тарбиячилар ва ота-оналар ёрдамида гулзорларда ҳашар уюштиришади. Чаман бўлиб очиладиган хилма-хил гулларни экиб, "кичик боғбон"га айланишади. Гуруҳларга ажратилган ер майдонларида мевали ва манзарали дарахтлар, полиз маҳсулотлари парвариш қилинади. Бу ерда ҳам асосан болаларимизнинг ўзлари деҳқончилик қилишади. Чунки, бола ўз меҳнатининг маҳсулини кўрсагина табиатни асраб-авайлайди, унга нисбатан меҳрли бўлади.

Боғчамизда ҳар йили апрель ойида "Энг обод майдон" кўрик-танлови ташкил этилади. Ғолиб гуруҳга муассаса касаба қўмитасининг эсдалик совғалари топширилади. 2007 йилги кўрик-танловда "Добрая фея" номли катта гуруҳ тарбияланувчилари ғолиб деб топилди. 2008 йил ўтказилган тадбирда "Қалдирғоч" номли тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари биринчи ўринни эгалладилар. Ёш қаламкашларнинг "Табиат ва болалар" мавзусидаги кўргазмалари болаларни табиатни асраш ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Тарбия масканимизда ота-оналар билан ҳамжиҳатликда болалар дунёсида экологик тарбиянинг ролига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилиб, оилада болаларни экологик тарбиясига эътибор бериш ҳақида тушунтириш ва тавсиялар бериб борилади.

Биз кузни турли ёшдаги гуруҳларда "Олтин куз" мавзусидаги очиқ эшиклар куни билан кутиб оламиз. Бундай тадбирлар болаларнинг табиат ҳақидаги билим ва тасаввурларини оширади. Бунда айниқса, 1-тоифали тарбиячи А. Юсупова, 2-тоифали тарбиячилар М. Умарова, И. Обуховская ва В. Ҳасанова раҳбарлигидаги машғулотлар самарали ўтади.

Муҳайё ШАРОФБОЕВА,
муассаса раҳбари.

Табиат ва инсон

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси

Биласизми?

БАЛИҚ РУҲИЙ ЗЎРИҚИШДАН АСРАЙДИ

Балиқдан тайёрланган таомлар кишиларни руҳий зўриқишдан халос этади, дея таъкидлашмоқда британиялик ва исроиллик мутахассислар.

Тўғри, луқмаи ҳалол бўлмиш балиқнинг фойдали экани кўпчилик учун янгилик эмас. Бироқ, олимларга балиқнинг мутлақо номаълум хусусиятлари аён бўлди. Уларнинг айтишича, ёғ ва омега 3 кислотасига тўйинган балиқдан тайёрланган таом руҳий зўриқишга чалиниш хавфини салкам 88 фоизга қисқартирар экан.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси

Она диёримизнинг яшил бойлигига бойлик қўшаётган соҳа ходимларини ҳамда жонкуярларини 5 июнь – Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан самимий қутлайди. Тараққиёт сари юз тутган мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшаси сизнинг шарафли меҳнатингиз билан боғ-роғларга айланаверсин! Биз тарбиялаётган бугунги авлод яратувчилик йўлидаги ҳаракатларимизнинг давомчилари бўлиб етишишсин!

МУЗЛАР ТЕЗРОҚ ЭРИЯПТИМИ?

Бутунжаҳон кузатув хизматининг хулосасига кўра, сайёрамиздаги муз қатламларининг эриши кун сайин тезлашиб бормоқда.

Тез эрий бошлаган муз қатламлари анчадан бери кутилаётган глобал исишга сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, алалоқибат денгиз сатҳининг кўтарилишига, сув тошқинлари, кўчки ва қурғоқчилик каби ҳолатларни юзага келтиради. Музлар шу тахлит эришда давом этса, сайёрамизнинг анчагина қисми, хусусан, Ҳиндистон ва Америкانинг ғарбий соҳиллари сув остида қолиб кетиши ҳам мумкин экан. Салкам 30 йиллик тажрибага эга кузатувчиларнинг гапига қараганда, 1980-1999 йилларда муз қатламлари йилига ўртача 30 сантиметрга қисқара бошлаган. Бироқ, 2006 йилдан бошлаб, бу кўрсаткич ярим метрга етди.

ДАРАХТЗОРЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

Бекобод давлат ўрмон хўжалиги жамоаси туман ва шаҳар аҳлини, корхона ва ташкилотларни, фермер хўжаликларини дарахт кўчатлари билан эҳтиёжга яраша таъминлашга ҳаракат қилаётир. Ҳозир хўжалик тасарруфида 1515 гектар ер бўлиб, 20 гектари махсус кўчатхона. Айни дамларда Мўйнқум, Бекобод, Сретенко ва Далварзин бўлимларида иш қизғин. Бу ердаги дарахтзорлар маромида парвариш қилинмоқда.

Ўтган йили 252 минг 460 дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари парвариш қилиниб, аҳолига сотиш ҳисобидан 44 миллион сўм соф даромад олинди. Бу йилги даромад эса 22 миллион сўмдан ошди. Айниқса, деҳқон-фермер хўжаликлари билан шартнома асосида иш олиб борилаётганлиги яхши самара бермоқда. Ҳозиргача фермерларга 18 минг туп тут ва 44 минг туп терак кўчатлари етказиб берилди.

Ўрмон хўжалиги ҳудудидаги эман, қора ва ингичка баргли арча, шумтол, қайрағоч, заранг, акас сингари манзарали, жийда, ёнғоқ, шафтоли, ўрик, бодом, хурмо, гилос, анор сингари мевали дарахтлар киши кўзини яшнатади.

Вилоят ҳокимининг "Вилоятда 2008-2012 йилларда япон сафораси ва каштан дарахти кўчатлари экишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам амалий ишлар қилинаётир. Чунончи, Бекобод шаҳри, Бўка ва Бекобод туманлари ҳудудига 15 минг дона каштан, 210 минг дона япон сафораси етказиб бериш режаси асосида махсус жойга экилган каштан кўчатлари парвариш қилинаяпти.

Шунингдек, 250 килограмм япон сафораси уруғи ҳам айни чоғда тўлиқ униб чиқди. Улар беш йил мобайнида ўстирилиб, экиб борилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биргина япон сафорасининг ўзини шу йилнинг кузидан келаси йил баҳорига қадар режадаги 210 минг туп ўрнига 250-260 минг тупга етказиш кўзда тутилмоқда. Ҳозир кўчат қатор ораларига ишлов берилиб, маҳаллий ва минерал ўғитлар солинмоқда.

Ўрмон хўжалигига қарашли Бекобод участкасидан Роҳатқул Мустафоқулов, Худойберди Худойназаров, Илҳом Турдибоев, Мўйнқум участкасидан Ҳолдорали Тўйчиев, Одилжон Бойназаров меҳнатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар асосий эътиборни аҳолига сифатли кўчатларни узлуксиз етказиб беришга қаратганлар.

Бундан ташқари жамоада ёғоч тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Қурилишбоп материаллар тайёрланадиган устахона эса доимо буюртмачилар билан гавжум.

– Келгуси режаларимиз янада катта, – дейди бош ўрмончи Раҳмонали Ҳолмирзаев. – Ҳудудимиз шамол зонасида жойлашганлиги учун шу йил кузда Мўйнқум участкасидаги 22 гектарлик майдонга кўпроқ саксовул экишни режалаштирганмиз. Шунингдек, келгусида Далварзин участкасида балиқчилик хўжалигини ташкил этмоқчимиз.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

ЎРМОНЛАР ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Маълумки, экологик барқарорликни таъминлашда ўрмонларнинг ўрни беқиёсдир. Шу боисдан ўрмонлардан пала-партиш фойдаланиш, дарахтларни ноқонуний кесиб кетиш ҳолларига барҳам бериш, энг аввало, бошқарув органлари, ўрмон хўжаликлари ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги ҳаракатини талаб этади.

"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти бу борада учраётган муаммолар ва уларнинг ечимини топиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, шунингдек, мамлакатимиз ўрмон хўжалигини ривожлантириш йўлидаги ҳамкорликни кучайтириш учун "Ўрмон тўғрисида"ги қонун талабларининг бажарилишига бағишланган жамоатчилик тингловини ўтказди. Унда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ходимлари иштирок этишди ҳамда ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Жамоатчилик тинглови қатнашчилари ўрмон хўжалигида учраётган камчилик ва муаммоларни ҳар тарафлама муҳокама қилдилар. Масалан, ўрмон сектори ресурслари тўғрисида тўлиқ маълумот йўқлиги ва бундай ҳолатга ўрмон тузиш тизимида учраётган камчиликлар ва муаммолар сабаб бўлаётганлиги айтиб ўтилди.

Биргина мисол, "ЭКОСАН" халқаро ташкилотининг Бўстонлиқ туманида ташкил қилган рейдлари натижалари шуни кўрсатдики, маҳаллий аҳоли газ билан етарли таъминланмаганлиги сабабли, айниқса, қиш кунларида дарахтларни кесиб кетиш ҳоллари кўпаймоқда. Шунингдек, чорва молларининг ўрмонзорларда боқилиши натижасида ёш дарахтлар пайҳон бўлмоқда ва бу ҳолат ўрмон ресурсларига катта зарар етказаётир.

Мавжуд ўрмон хўжаликларининг турли ташкилотлар тасарруфида эканлиги оқибатида ўрмонларни ҳисобга олиш, улардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш, ўрмончилик илм-фанининг ривожи, техник ва молиявий ёрдам каби масалаларда муаммолар учраб турибди.

Саҳифани вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Хуршида НАЗАРОВА тайёрлади.

ЕР КУРРАСИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН

Ўзбекистон Бадиий Академиясида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган "Ер куррасида тинчлик" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Республика Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий Академияси, "Соғлом авлод учун" ҳамда Болалар жамғармалари томонидан ўтказилган ушбу тадбирда республикадаги умумтаълим мактаб ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирок этди.

Танлов икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич жорий йилнинг апрельмай ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилди. Унда энг яхши ва сара деб топилган ижодий ишлар якуний босқичга тақдим этилди. Танлов 3-6, 7-11, 12-15 ёшгача бўлган болалар ўртасида ташкил этилган.

Танлов болаларнинг санъат ва маданиятга бўлган қизиқишини янада ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни тасвирий санъат ва бадиий ижодга бўлган қизиқишини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

«ТОШКЕНТ-ЛЕНД»ГА САЁҲАТ

Пойтахтдаги "Тошкент-Ленд" истироҳат боғида хайрия тадбири ўтказилди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Сен ёлғиз эмассан" болалар жамоатчилик фонди ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир чинакам байрам руҳида ўтди десак муболаға бўлмайди.

Ушбу тадбирда Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларидан 1300 нафардан зиёд тарбияланувчилар қатнашди.

Тадбирда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни тўғри йўлга бошлаш, маънавиятли, комил инсон бўлиб етишишлари учун бор имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги, бу каби тадбирлар нафақат байрамлар арафасида, балки йил давомида ўтказилажаги эътироф этилди.

«Туркистон-пресс».

Алишер Навоий номидаги кино саройида "Ўзбеккино" миллий агентлиги "Gala-film"студиясида суратга олинган "Ойдиной" бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

БОЛАЛАР УЧУН ЯНГИ ФИЛЬМ

Фильм олти ёшли қизча – Ойдинойнинг беғубор орзулари, ўй-хаёллари, қатъияти ва интилишлари ҳақида ҳикоя қилади. Воқеалар жараёнида инсон барча эзгу ниятларига қатъият, ирода билангина эришиши мумкинлиги ўз ифодасини топган. Қашқадарё воҳасининг сўлим гўшаларида суратга олинган ушбу картина болалар билан бирга катталар учун ҳам бирдек қизиқарлидир.

Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр – Нозим Аббосов. Фильмни оператор Александр Клепалов суратга олган. Асосий ролларни Маржона Шавкатова, Элмира Раҳимжонова, Ҳусан Амирқулов, Беҳзод Ҳамроев, Зулфия Райимқулова каби актёрлар ижро этган. Мусиқаларни Альберт Холмирзаев басталаган.

Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Одамийлик шеваси

ОРИЯТ ДАРЗ КЕТМАСИН

Бир пайтлардагидек тиқилинч автобусларга осилиб ўқишга ёки ишга бориш машаққатини бугун кўпчилигимиз унутиб қўйдик. Ишдан қайтаётганимизда ҳам автобусдан қолиб кетганимиз аламига, кейингисида бир оёқда бўлса ҳам илиниб олардик. Ҳозир эса равон кўчаларимизда «Исузу» ҳамда «Мерседес» автобуслари бизни узоқ кутиш, асабийлашиш дардидан халос этган. Автобусдан таралаётган мусиқа оҳанги йўловчиларга хуш кайфият улашиб, манзил узоқлигини ҳам сездирмайди.

Бу гапларимни бошқа йўналишларда қатнайдиган, ҳозир ҳам йўл азоби – гўр азобини бошидан кечираётган айрим йўловчилар муболағага йўяр, эҳтимол. Бироқ айтганларимнинг бари рост. Аммо...

Бекатда узоқ туриб қолмадим. Автобус тез келди. Кутганимдек, яна мусиқа садолари. Тикка турган йўловчилар йўқ ҳисоби. Навбатдаги бекатда турган беш йўловчининг иккиси автобусга чиқди. Уч киши эса кузатиб қўювчилар экан: «Уйигача олиб бориб қўйишни сенга ишондика?!» деганча қолдилар. Буйруқомуз айтилган гап ундалмаси йўқлиги учун кимга қаратилганлигини билмай қолдик. Эшик ёпилиб, автобус юришда давом этди. Ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиққа гандираклаб ўтириб қолган ширакайф бояги йўловчининг бири:

– Қани, ҳайда. Тўппа-тўғри Шўробдаги чойхонага бос! – деди.

Ҳайдовчи бу гапга эътибор бермасликка ҳаракат қилди, бироқ тегмаганга тегишадиган бояги кимса яна тихирлик қилишга ўтди: «Бекатларда тўхтамайсан!».

– Ие, бу автобус. Ракета эмаски, тўғри ойга бориб қўнса, – деди ҳайдовчи ҳазил оҳангида. Суҳбатнинг давоми дўқ ва дағдағали сўзлар билан давом этди. Ҳайдовчи хизматда эканлигини айтиб, ҳалақит бермасликни сўраса, йўловчи «пулини олганингдан кейин айтганимни қиласан» дерди сўкиниб.

Ҳайдовчи автобусни четга олиб, йўловчини тушириб қолдирмоқчи эди, аммо бу ишга куч ишлатиб эришишдан бошқа иложи йўқлигини тушуниб, яна йўлида давом этди. Бироқ, суҳбат бу билан якун топмади. Йўловчи аёллар икки маст эркакни муросага чақиришга ҳаракат қилишса-да, ўнлаб эркаклар бу ҳолга беписанд томошабин эди.

– Ҳой, эркаклар, нега жимсиз? Эрлик шаънингиз, ориятингизни озгина спиртли ичимлик ичиб олиб, шер бўлиб кетган кимса олдида ҳимоя қилишга ярамай қолдингизми? Кўпчиликнинг асабини бузиб сўкинаётган, аёллар ва болаларнинг юрагига қўрқув солаётган нокасларни автобусдан улоқтириб ташлашга наҳотки бирортангизнинг кучингиз етмаса? Ориятингиз дарз кетяпти-ку, ахир!

Ахийри орамизда битта мард топилди. У автобусни тўхтатиб, бояги нусхани автобусдан судраб тушди ва улфатини ҳам унга қўшиб улоқтирди. Бу бояндан бери ўз нафсониятини ҳимоя қилиб, йўловчилар хотиржамлигини таъминлашга уринаётган ҳайдовчининг ўзи эди.

Аллома АЗИЗОВА.

Китобингизни ўқидим

КЎНГИЛДАН КЎЧГАН САТРЛАР

Ҳар сафар истеъдодли шоир, таниқли публицист, моҳир муҳаррир Ҳамид Норқулнинг навбатдаги янги китобини қўлимга олганимда беихтиёр ўйга толаман. Ҳозир газета-журналлар ҳам, уларнинг ўқувчилари ҳам тамоман ўзгариб бораётган, боз устига, газеталарнинг сони кўпайиб бораётган бир пайтда бугунги муҳаррир қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб излаб кўраман.



Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида матбуот нашрларининг мунтазам, бекаму кўст чиқиб туришини таъминлаш муҳаррирлар зиммасига каттагина масъулият юклаётгани табиий. Бу нуқтаи назардан муҳаррир чинакам замон кишиси, тадбиркор ва уддабурон бўлганига нима етсин. Лекин барибир, аксарият ҳамкасбларимиз муҳаррир аввало етук, қалами пишиқ, теран фикрли ижодкор бўлиши шарт, дейишади ва бу назаримизда, тўғри ва ҳаққоний фикр. Негаки, ўзи умрида битта жумлани қойиллатиб ёза олмаган муҳаррир бирор муаллифнинг қораламасини бўяб-бежаб, таҳрир қилиб ўтириши кулгили ва аянчлидир...

Ҳамид Норқул кўп йиллардан буён Ўртачирчиқ туманининг «Машъал» газетасига муҳаррирлик қилиб келмоқда. Шу билан бирга ҳозиржавоб, серқирра ижодкор сифатида ўтган йиллар мобайнида «Умр ранги», «Ойдин ниятларим», «Ёнар сўз», «Белида белбоғи бор эл», «Кўзлардаги дунё», «Сиз барибир бошқачасиз» каби шеърий тўпламларини, бир қатор насрий асарларини китобхонларга тухфа этди. Публицистнинг теран фикрларга бой, бадиий мукаммал, кишини мушоҳадага чорлайдиган мақолалари республикамизнинг олди нашрларида бирин-кетин чоп этилиб туришидан кўпчилик хабардор ва уларнинг аксарияти муқаррар равишда муштарийларнинг эътиборига тушади, кўтарилган мавзу ёки масала юзасидан муносабати ва дахлдорлик ҳиссини қўзғайди. Асосан оддий замондошларимиз, қишлоқнинг пок ва беғубор инсонларининг бугунги қувонч ва ташвишлари, ўй-хаёллари, кайфияти акс этган публицистик асарлари замиридаги маъно-моҳият ўқувчининг дилида пинҳон сақланиб ётган ҳис-туйғуларга ғоят ўхшашдек, яқиндек туюлади.

Шу ўринда Ҳамид Норқулни ўқиган ва уққанлар, таниган-билганларга бир савол ташласакки, ёзувчи Ҳамид Норқулов кучлими ёки шоир Ҳамид Норқулми, деб. Ўзимиздан қиёски, бу саволга дафъатан жавоб бериш мушкул. Бинобарин, у серқирра ижодкор, назмда ҳам, насрда ҳам шунчаки қалам тебратмайди. Шеърда айтиб бўлмайдиган фикрлардан бафуржа мақола ясайди ёки аксинча...

Алқисса, муаллиф турли йилларда ёзган шеърларининг энг дилга яқинларини тўплаб, «Тансиқ кунлар» деб номланган сайланмасини мухлисларга тортиқ этди. Ундаги аксарият шеърлар менга яхши таниш бўлса-да, қайтадан, ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Янги маъно, янги ташбеҳ, янги жилолар топдим. Ва яна бир ҳақиқатга амин бўлдим. Айтадиларки, ҳақиқий шоир шеърларига ўхшаши керак. Ҳақ гап. Агар ўзи бошқа, сўзи бошқа бўлса, бундай ижодкорнинг ёзганига эмас, ёзмаганига офарин...

«...Биз билган Ҳамид Норқул тўғрисўз ва ростгўй, – дейди китобга ёзган сўзбошисида Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир. – Рост сўзга эса одамлар ишонади. Умуман, одамларни бирор бир сўзга ишонтириш учун ижодкор ўз кўнгли баробарида ўзгалар кўнглини ҳам забт этиши керак. Ўзгалар қалбини сўровсиз забт этиш бахтига истеъдодли қалб соҳиблари, санъат эгаларигина муяссар бўла олишади... Зеро, дардсиз шоир учун дардли кўнгиллар бағир очмайди...»

Дарҳақиқат. Шоир ушбу китобдан ўрин олган бир шеърида шундай ёзибди:

Кўкда булут эгилмаса,
ёққан ёмғир сой бўлмас,
Умринг нима, бир мисрага
жо бўлар ё жо бўлмас,
Кимсанингки, саждагоҳи
– Ватани йўқ, бой бўлмас...

...Китобни топиб, давомини ўзингиз ўқинг.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.



СПОРТ БИЛАН ЯНАДА МАЗМУНЛИ

Қибрай туманидаги 10-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг ёзги таътилини сермазмун ва мароқли ўтказиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ уларни вақти-вақти билан адабий-маърифий тадбирлар, спорт беллашувлари, турли тўгаракларга кенгроқ жалб этиш кўзда тутилган.

Куни кеча мактабда "Спорт – соғлиқ гарови" шиори остида дастлабки тадбир уюштирилди. Унда мактаб педагогик жамоаси бошчилигида 400 дан зиёд ўғил-қизлар гуруҳларга бўлиниб, спортнинг бир неча турлари бўйича қизғин баҳсга киришдилар.

– Ҳозир мактабимизда таълим олаётган ўсмирларнинг 100 дан ортиғи муайян спорт турлари билан жиддий ва мунтазам шуғулланишади, – дейди мактаб директори Ирода Муҳаммадазизова. – Мақсадимиз спортсевар ёшлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг бу борадаги орзу-интилишларини қўллаб-қувватлашдир. Бу каби тадбирлар хайрли мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз.

Али РАҲИМОВ.

СУРАТДА: ўқувчилар таътилни мазмунли ўтказишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН – СИНГАПУР 7:3

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионатига чиқиш учун ўтказилаётган саралаш мусобақасининг навбатдаги сафар учрашувини 7:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Сафар учрашувида зафар қучган Ўзбекистон миллий терма жамоаси тўққиз очко билан тўртинчи гуруҳда пешқадамлик қилмоқда.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда навбатдаги босқичга чиқишга даъвогарлик қилаётган яна бир терма жамоа – Саудия Арабистони футболчилари Ар-Риёд шаҳрида Ливан вакилларини қабул қилиб, 4:1 ҳисобида ғалабага эришди.

ЎзА.

Qatra

QO`SHIQ QUDRATI

Avtobus jo`nashiga biroz vaqt bor edi. Yo`lovchilar o`zaro suhbatlashib o`tirishibdi. Salon g`alag`ovur. Haydovchi radioni buradi. Xonandaning "Onamga deb" qo`shig`i yangradi. Salonda vaqt to`xtaganday bo`ldi. Qandaydir ezgu hisli jimjitlik bosdi.

Qo`shiq farzandi va yori uchun barcha sharoitni yaratgan, bozorlarda faqat ular uchun sovg`alar xarid qilgan, ularga hayotini baxshida etgan yigit nomidan bo`lib, "Men notavon nima qildim onam uchun" deya nola qilardi.

Mening ko`nglim bo`shashdi. Yonimda o`tirgan o`rta yashar ayol ro`molchasi bilan ko`z yoshini artdi. Orqa o`rindiqdagi 7-8 nafar yigit-qiz "gurr" etib, avtobusdan tushib ketishdi.

Haydovchi hayron. "Nima bo`ldi?" deya mendan so`radi. Men yelka qisdim.

Oradan o`n daqiqacha o`tmasdan yigit-qizlar birin-ketin qaytib kela boshlashdi. Birining qo`lida bir dasta gul, ikkinchisining xaltasida esa bir juft shirmoy non. Jinsi shim, oq futbolka kiyishgan xushsurat ikki yigit esa qo`llaridagi yangi ro`mollardan ko`zlarini uzolmay o`tirishardi.

Qo`shiq allaqachon tugagandi. Lekin, uning qudrati, sehri hamon yo`lovchilar qalbida edi.

Jambul QURBONBEKOV.

Бу – қизиқ

Сянганда (Гонконг) ўтказилган кимошди савдосида ноёб тож 6,2 миллион АҚШ долларига сотилди. Ушбу тожнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у оғирлиги юз каратдан зиёд бриллиант тош билан безатилган.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мазкур улкан бриллиант тўрт юз олтмиш каратли Жанубий Африка олмосига ишлов бериш натижасида юзага келган. Таомилга биноан, қимматбаҳо тошни сотиб олган шахс унга ном бериш ҳуқуқига эга.

Совместное Узбекско-Швейцарское предприятие "SARRUNA" (ИНН 204240002) в форме ООО объявляет о своей реорганизации в форме присоединения к СП ООО "SARRUNA TEXTILES" (ИНН 204243235, ОКОНХ 17151).

Претензии принимаются по тел/факс: 215-58-21.

ДАФТАРДА ҚОЛГАН СОЧМАЛАР

Донни йиққан донодир.

* * *

Соғиб ичсанг минг кунлик, сотиб есанг бир кунлик.

* * *

Ташланган ерда тариқ битмас.

* * *

Кўр бўлсанг ҳам кўрнамак бўлма.

* * *

Ҳар ким чироқ ёқса, ёруғи ўзига ҳам тушар.

* * *

Тоза кўзанинг суви ҳам тоза.

* * *

Бировнинг мис товоғидан ўзингнинг лой товоғинг яхши. (Яъни уйингдаги аёлинг яхширок).

* * *

Очиқ қозонга ит тегар. (Шарм-ҳаё – зийнат маъносида).

* * *

Чўпни кўрсанг – Хизр бил!

* * *

Бир устоз шогирдига маслаҳат бераяпти:

– Деворнинг кавагига офтоб тушса, кафтингни тут. (Яъни фойдаси тегадиган ишдан қуруқ қолма демоқчи).

* * *

Ота насиҳати:

– Болам, йўлнинг эркак-урғочисига қараб юргин, шунда панд емайсан.

– Йўлнинг ҳам эркаги бўладими, дада?

– Ҳа, лой йўл эркак йўл, текис, қуруқ йўл хотин йўл бўлади.

* * *

Кунгабоқарни лаганбардор одамга ўхшатадилар. Халқ ҳатто қўшиқ ҳам тўқиган:

Кунгабоқар, кунгабоқар,
Кун ботганда кимга боқар.

Баъзи жойларда кунгабоқарни бехосият экин, деб полиз четига ҳам экмайдилар. Бу адолатдан бўлмаса керак.

Сайфи СОДИҚ.

Тошкент вилояти 1-сон клиник шифохонаси жамоаси шифохонанинг олий тоифали травматологи **Нодир Эшмирзаевич УТЕГЕНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ҳикоят

КУНЛАРДАН БИР КУН

Бир бойнинг икки бўрибосар ити бор эди. Бирини Оқбош, иккинчисини Қорабош деб аташарди. Иккала кўппак хўжайинига садоқат билан хизмат қиларди. Кундузи ҳовлига бегона кимсаларни йўлатмас, кечалари ухламай, бойотанинг мол-жонига қоровуллик қилиб чиқишарди.

Шундай қилиб ойлар, йиллар ўтди. Бир куни икки бўрибосар офтобшувоқда ётиб, тиллашиб қолдилар:

– Менга қара, Оқбош – деди Қорабош, – умримиз елдек ўтиб кетибди. Шу хўжайиннинг хизматига кирганимизга ҳам ҳадемай, саккиз йил бўлади. Қаридик, илгариги чапдастлигимиз қолмади. Тиш ўлгур ҳам бурунгидек ўткир эмас, суяк ғажишга ярамаяпти. Агар хўп десанг, сенга бир маслаҳат бор эди.

– Эшитайлик-чи, қанақа маслаҳат экан, – деди қулоғини динг қилиб Оқбош.

– Ўзинг биласан, сен билан суяк талашиб, ғижиллашган кунларимиз, қайси биримизни яхши кўрар экан, деб хўжайинни қизғанган кезларимиз ҳам бўлди. Овлаган овидан бизга ҳам берармикан, деб бойболанинг олдида қуйруғимизни ликиллатиб турдик. Э, қўй-чи, роса итлик қилдик. Кел, энди у кунларни унутайлик. Қалин дўст бўлайлик. Бир суякни иккига бўлиб еб, қолган умримизни аҳилликда ўтказайлик. Нима дединг, Оқбош?

Оқбош орқа оёғи билан энсасини қашлаб, ўйланиб қолди. Қариганда бу хумкалла Қорабош билан меҳмонларнинг сарқитини талашиб ириллашув унинг ҳам жонига теккан эди.

– Мен розиман, – деди Оқбош, – фақат сўзингдан қайтиб, номардлик қилмайсан. Бир кун мен қўриқчилик қиламан ҳовлига, бир кун сен. Мен йўғимда хизматкор ялоғингга суяк ташласа, уни боққа олиб тушиб, кўмиб келмайсан. Топганимиз ўртада бўлади.

– Майли. Аммо сен ҳам қўшнининг итига илакишиб кетиб қолавермагин-да. Бир-икки соатга бўлса майли, лекин туни бўйи ҳовлини бир ўзимга ташлаб қўйганинг инсофдан эмасда, ошна.

– Бўпти, – деди Оқбош.

Иккаласи тумшуқларини бир-бирига ишқаб, гўё ахдлашгандек бўлдилар.

Бу пешиндаги гап эди. Кечга бориб, бойотанинг уйини казо-казо меҳмон босди. Базми жамшид алламаҳалгача чўзилди. Меҳмонлар тарқаб, дастурхонлар йиғиштирилди. Хизматкорлар қолган-қутган таомни олиб чиқиб, икки кўппакнинг ялоқларига солишди. Қорабош мундоқ қараса, Оқбошнинг ялоғи тўлароққа ўхшади.

– Сеникида гўшт кўпроқ шекилли? – деди у кўзларини ўйнатиб.

– Ўзингникига қара, – деди Оқбош, – сеники ҳам кам эмас, ялт-юлт қилиб турибди.

Қорабошнинг ғаши келди. У панжаси билан Оқбошнинг ялоғини ағдариб ташлади.

– Э, ҳали шунақа кўрнамак бўлдингми?! – деди Оқбош ва шеригининг башарасига чанг солди.

– Ким кўрнамак, ҳароми? – деб ириллади Қорабош ва Оқбошнинг бўғзига ёпишди.

Яна уларнинг итлиги тутди. Кундузги суҳбатни унутиб, бир-бирларини аёвсиз талай бошладилар.

Саъдулла СИЁЕВ.

Фуқаролар ва тадбиркорлар диққатига!

Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги тумандаги "Горняк" ёпиқ акциядорлик жамиятидан туман захирасига қайтариб олинган ер майдонларидаги боғ ва узумзорлар бўйича кимошди савдолари ўтказади. Савдога қуйидаги лойиҳалар қўйилади:

№	Лойиҳа рақами	Майдон (га)	Кўчат тури	Бошланғич нархи (сўм)
1	5-лойиҳа	7,2	Олма	23678864
2	7-лойиҳа	0,8	Терак	6266821
3	8-лойиҳа	10,7	Ўрик, олма	28189123
4	9-лойиҳа	14,3	Олма	25552766
5	14-лойиҳа	3,6	Узум	23571293
6	15-лойиҳа	6,6	Олма, нок	16544974
7	16-лойиҳа	6,1	Олма, шафтоли	24457267
8	17-лойиҳа	7,9	Олма, шафтоли	23815264
9	22-лойиҳа	17,8	Олма	11545243
10	23-лойиҳа	11,2	Олма	12065300
11	24-лойиҳа	13,5	Олма	51831168
12	25-лойиҳа	15	Олма	58310064
13	26-лойиҳа	7,7	Ўрик	44699896
14	29-лойиҳа	5	Олма	26309848
15	30-лойиҳа	10,4	Олма	30555782
16	31-лойиҳа	20,4	Олма	57014285
	Жами:	**158,2**		**464407958**

Қимошди савдолари 2008 йилнинг 16 июнь куни соат 10.00 да туман ҳокимлиги биносида ўтказилади. Талабгор фуқаро ва тадбиркорлардан аризалар туман ҳокимлиги қошидаги деҳқон ва фермерларга ер майдонларини ажратиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 76-21115, 76-21263.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 8817. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.10. 1 2 3 4 6 7 8